

Саттикулова Г.А. - ТДШИ,
катта ўқитувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯСИ: МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТ

Мақолада мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланган аҳоли даромадлари ва ўртача ойлик иш ҳақи бўйича ҳудудий тафовутлар таҳлил қилинган, бу тафовутларни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланган, уларни қисқартириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ижтимоий соҳа, аҳоли даромадлари, ўртача ойлик иш ҳақи, аҳоли турмуш даражаси, ҳудудий тафовут, рақобат афзалликлари, қишлоқ ҳудудлари.

В статье проанализированы региональные различия по доходам и среднемесячной заработной плате в Узбекистане, которые являются важнейшими показателями жизненного уровня населения, выявлены факторы их возникновения, разработаны рекомендации по выравниванию этих различий.

Ключевые слова: социальная сфера, доходы населения, среднемесячная заработная плата, жизненный уровень населения, региональная дифференциация, конкурентные преимущества, сельские территории.

The article analyzes the regional differences in incomes and average monthly wages in Uzbekistan, which are the most important indicators of the living standards of the population, identifies the factors of their occurrence, and develops recommendations for leveling these differences.

Keywords: social sphere, incomes of the population, average monthly wages, living standards of the population, regional differentiation, competitive advantages, rural territories.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилашдан иборат. Аҳоли турмуш даражаси давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигининг энг муҳим мезонидир. Шу нуқтаи назардан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Ҳаракатлар стратегияси”да ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида урғу берилган¹.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳалар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланиши ижтимоий фаровонликнинг ошишига олиб келса, ижтимоий соҳанинг барқарорлиги иқтисодий тараққиётнинг жадаллашишини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий соҳани устувор даражада ривожлантиришнинг долзарблиги, фикримизча, куйидаги омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида инсон капиталининг роли кун сайин ўсиб бормоқда. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бугунги кунда туғма қобилият, умумий ва махсус таълим, орттирилган касбий тажриба, ижодий салоҳият, жисмоний ва маънавий соғломлик симбиози сифатида инсон капитали иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий-йўналтирилган, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш илмий-тадқиқот ходимлари томонидан эгалланган янги билимлар ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнига кенг тадбиқ этилишига боғлиқ. Жаҳон банки экспертлари фикрича, миллий бойликнинг 16 фоизи ишлаб чиқариш фондлари (192 мамлакатга тегишли маълумотлар таҳлил қилинган), 20 фоизи табиий ресурслар, 64 фоизи “инсон капитали” ҳиссасига тўғри келади². Инсон капиталини шакллантирувчи асосий соҳалар эса илм-фан, таълим мажмуаси, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари ҳисобланади.

Иккинчидан, сўнгги йилларда Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Хусусан, 2010-2017 йиллар давомида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўртача қўшимча ўсиш суръати 7,7 фоизни ташкил этди³. Бундай юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ривожланишнинг инновация моделига ўтишни, замонавий моддий-техника базасига таянувчи юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришини шакллантиришни тақозо этади. Айни вақтда илмий-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга самарали жорий этиш, илғор саноат технологияларини ўзлаштириш нафақат бу соҳага киритиладиган йирик инвестицияларга, балки турли даражадаги мутахассисларнинг касбий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. lex.uz.

² Экономика социальной сферы: Учеб. Пособие /В.Г.Игнатъев и др. 2-е изд. М.; Ростов н/Д, 2005. – С.27.


³Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами: 2010-2016. – Т.: 2017. – Б.33 ва Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2017 йил январь-декабрь. – 2018. – Б.15. маълумотлари асосида ҳисобланган.

тайёргарлик сифати, малакаси, соғломлиги, уй-жой ва ижтимоий инфратузилма тармоқлари билан таъминланганлигига боғлиқ.

Учинчидан, ижтимоий соҳани устувор даражада ривожлантириш зарурияти ушбу соҳанинг мамлакатимиздаги замонавий ҳолати билан боғлиқ. Гарчи сўнгги йилларда ижтимоий соҳа тармоқларини ислоҳ қилиш бўйича республикамиз ҳукумати томонидан салмоқли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари бўйича ҳудудий тафовутларнинг юқорилиги, аҳоли учун арзон уй-жойларни қуриб ишга туширишда режа кўрсаткичларидан сезиларли даражада орқада қолиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Ҳар қандай мамлакатда ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири мамлакат ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги номуносибликларни минимал даражага келтириш, барча ҳудудларда аҳоли фаровонлигини ошириб боришдан иборат. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли жон бошига даромадлар миқдори ва бу соҳадаги ҳудудий дифференциация даражасига баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аҳолининг доимий даромад манбаларига эга бўлиши аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини белгилаб берувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдорида сезиларли тафовутлар мавжуд (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича 2017 йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлар миқдори, минг сўмда

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2017 йил январь-декабрь. – 2018. – Б.166

Хусусан, аҳоли жон бошига умумий даромадлар миқдори 2017 йилда 2016 йилга нисбатан барча ҳудудларда ўсган бўлсада, таркибий жиҳатдан аҳоли жон бошига энг юқори даромад Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятига тўғри келади. 2017 йилда бу ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келган умумий даромадлар миқдори мувофиқ равишда 12675,6 минг ва 9084,2 минг сўмга тенг бўлган.

Аҳоли жон бошига йиллик энг кам даромад миқдори Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига (4129,3 минг сўм) тўғри келади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромадлар миқдори Қорақалпоғистон Республикасига нисбатан 3 марта юқори. Худди шундай тафовутларнинг юқорилиги ўртача иш ҳақи миқдорида ҳам кузатилади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (минг сўм)

	Минг сўм		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %да	
	2016	2017	2016	2017
Ўзбекистон Республикаси	1293,8	1453,2	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	1212,1	1368,9	93,7	94,2
Андижон	1169,6	1356,0	90,4	93,3
Бухоро	1306,0	1443,8	100,9	99,4
Жиззах	1125,5	1265,6	87,0	87,1
Қашқадарё	1230,9	1346,8	95,1	92,7
Навоий	1756,4	1926,5	135,8	132,6
Наманган	1009,3	1140,5	78,0	78,5
Самарқанд	1036,2	1157,3	80,1	79,6
Сурхондарё	1065,0	1172,0	82,3	80,6
Сирдарё	1095,0	1259,9	84,6	86,7
Тошкент	1402,5	1559,7	108,4	107,3
Фарғона	1119,4	1222,1	86,5	84,1
Хоразм	1054,6	1204,4	81,5	82,9
Тошкент шаҳри	1716,9	1986,5	132,7	136,7

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2017 йил январь-декабрь. – 2018. – Б.160

Жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган ҳудудлар сони 2017 йилда атиги учтани ташкил этган (Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятлари). Энг юқори ойлик ўртача иш ҳақи Тошкент шаҳрида (1986,5 минг сўм), энг кичик ойлик ўртача иш ҳақи эса Наманган вилоятида (1140,5 минг сўм) кузатилган. Бу икки ҳудуд кўрсаткичлари ўртасидаги нисбат 1,7 мартадан зиёдроққа тенг бўлган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлар – аҳоли даромадлари, ўртача иш ойлик ҳақи бўйича ҳудудий тафовут анча юқори.

Албатта, бундай тафовутлар шаклланишининг ўзига хос сабаблари бор. Бу, энг аввало, республикамиз минтақалари иқтисодиётининг таркиби, уларнинг табиий-иқтисодий имкониятлари, ҳудудларда бозор муносабатларининг шаклланиш даражаси, инвестициялар жалб этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги, меҳнат ресурсларининг салоҳияти ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳоли даромадлари ва ҳудудлар иқтисодиётининг тармоқ таркиби ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд. Иқтисодиёти таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши юқори бўлган ҳудудларда аҳоли даромадлари ва ўртача иш ҳақи республика ўртача кўрсаткичидан сезиларли даражада паст эканлиги кузатилади. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)да қишлоқ хўжалигининг улуши энг юқори бўлган ҳудудлар – Сурхондарё (40,4 фоиз), Сирдарё (36,9 фоиз), Жиззах (35,2 фоиз), Наманган (30,9 фоиз) вилоятларида аҳоли даромадлари республика ўртача кўрсаткичининг 73,3-81,5 фоизини ташкил этади. Ўртача иш ҳақи бўйича ҳам худди шундай тенденция кузатилади. Юқоридаги ҳудудларда ўртача иш ҳақи миқдори республика ўртача кўрсаткичининг 78-87 фоизига тенг, холос.

Айни вақтда қишлоқ хўжалигининг ЯХМдаги улуши паст бўлган ҳудудларда аҳолининг умумий даромадлари ҳам, ўртача иш ҳақи миқдори ҳам республика ўртача кўрсаткичидан юқори эканлиги кузатилади. Бу шундан далолат берадики, аҳоли даромадлари ва ўртача иш ҳақи тармоқлар бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, 2017 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори даражаси молиявий ва суғурта фаолиятида – 2694,1 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 85,4 % га кўп), ахборот ва алоқада – 2498,5 минг сўм (71,9 % га), саноатда – 2091,7 минг сўм (43,9 % га), ташиш ва сақлашда – 1945,8 минг сўм (33,9 % га), қурилишда – 1808,4 минг сўм (24,4 % га) ва савдода – 1650,7 минг сўм (13,6 % га) кузатилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли даромадларини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, аҳолининг даромадлари бўйича ҳудудий тафовут даражасини камайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва қадоқловчи замонавий кичик саноат корхоналарини барпо этиш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларини, кичик саноат ҳудудлари тизимини такомиллаштириш асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш;

- ҳудудларнинг рақобат афзалликлари ва ўсиш омилларини аниқлаш асосида ташқи ва ички бозорларда нисбатан юқори рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун шароит яратувчи мавжуд салоҳият ва ресурсларни устун даражада ривожлантириш;

- йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтирган ҳолда қишлоқ хўжалиги хомашёси ва фойдали қазилма ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида маҳаллий қайта ишлаш саноати салоҳиятини ошириш;

- қишлоқ ҳудудларида мавжуд бўш турган саноат майдонларидан унумли фойдаланиш, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш;

- қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ва уларни маҳаллий бошқарув ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. lex.uz.

2. Лаврентьева, И.П. Социальная политика и управление в социальной сфере: учебное пособие / И.П. Лаврентьева, В.В. Кузнецов, В.В. Григорьев. – Ульяновск : УлГТУ, 2009. – 129 с.

3. Пакулина И.С. Государственное регулирование развития социальной сферы: приоритеты и экономические механизмы: Монография. – Орел: Издательство Орловского филиала РАНХиГС, 2014. – 172 с.

4. Фахрутдинова А.З. Управление социальной сферой: учеб. пособие. – 2-е изд. перераб. и доп. /А.З. Фахрутдинова; РАНХиГС, Сиб. ин-т упр. – Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2015. – 187 с.

8. stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти